



АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН-МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17-19 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Қадимий дўстлик ришталари

Миср кишини бирданига хайратга солади. Миср маданияти, давлатчилиги юзага келган даврларни аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларнинг хулосалари, беозор айтганда, жуда нисбий бўлади.

Президентимиз Ислон Каримов Қоҳира сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида буни алоҳида таъкидлади: Миср - маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази.

Мисрни Нил неъматидеб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув мўлқисини ўлчайдиган иншоотни улуг аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган.

Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин. Қадимий Шарқнинг фанлар академияси бўлган "Байтул ҳикма"да иҳод этган ватандошларимиз - буюк алломаларнинг ақсарияти Мисрга бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Мисрнинг бугунги дўстлигига, халқларимизнинг буғунги ҳамкорлигига аждодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Миср Араб Республикасида расмий ташрифи мана шу аزالий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги асосда раванқ топти-

ришга бағишланди.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчинона очди. Энг муҳими - янги, мустақил Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрга расмий ташрифи бўлди.

Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий муштараклиги кўп. Ислон Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсат ва геостратегия мамлакатларимиз ўртасида ўхшашлик яна ҳам кўп эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-шарқий Осиё, МДХ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорлигини ривожлантириш учун омил бўлмоқда. Миср эса қуруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

Самарали музокаралар

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ва Миср Араб Республикаси Президентини Муҳаммад Хусний Муборак ўртасидаги музокаралар ўзаро хурмат ва ишонч руҳида, ишчан қайфиятда ўтди. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, ижтимоий-маданий алоқалар изчил ривожланаётгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳам улкан имкониятлар мавжудлигини назарда тутган ҳолда, бу борадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари хусусида фикр юритилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги юксак даражада ривожлангани, аввало, Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга, ўзаро муносабатларга доир масалаларга ёндашувларининг ўхшаш ёки яқин эканлиги билан изоҳланади.

Гуманитар ҳамкорлик - тарихий муштараклик тақозоси. Хусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фавол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётди. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртилари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Давоми 2 - бетда

Кичик бизнеснинг экспорт салоҳияти



Президентимиз Ислон Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш, жорий йилда унинг янги мақсулотидаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Утган йилнинг асосий натижаларидан бири, бу экспорт потенциалининг жадал ривожланиши ҳамда миллий иқтисодиётимиз рақобатдорлигининг янада мустаҳкамланиши бўлди. - деди тадбирчи бошқарган "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Дилором Тошмухамедова. - Бугунги кунда мамлакатимизда 400 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Утган 2006 йилда экспорт ҳажми 31,5 фоизга, 2000 йилдагига нисбатан эса қариб икки баробарга ошди.

Дилором Тошмухамедова иштирокчилар эътиборини эндиликда мавжуд имкониятлардан тула фойдаланиш муҳим масала эканлигига қаратди. Хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг

мақсулотлари мамлакатимиз умумий экспортнинг атиги 11 фоизини ташкил этиши бунинг исботидир. Семинарда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиши билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди. Иштирокчиларнинг фикрича, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш учун солиқ ва божхона қонунчилигини янада такомиллаштириш лозим. Қолаверса, маҳсулот ва хизматлар рақобатдорлигини ошириш, тадбиркорларга хориждан ҳамкорлар топишига кўмаклашиш, уларнинг ташқи бозордаги фаолиятдан бохабар бўлиш алоҳида аҳамият

кабб этиди. Бунинг учун тегишли давлат муассасалари томонидан берилётган амалий ёрдам кенг қамровли бўлиши керак. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида қорхоналаримизнинг хорижий шериклар билан ишлаш системасини қўллайтириш, маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосий вазифалардан биридир. Тадбирда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш омиллари, Ўзбекистонда экспортни ривожлантиришда тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва мавжуд муаммолар, кичик бизнес экспортини соликча тортиш тамойиллари ҳақида сўз юритилди.

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг ташаббуси билан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамкорлигида "Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ошириш омиллари" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, "Адолат" СДП фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ВАТАНИНИ УЛУҒЛАГАН ЎҒЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОГИР ВАЗНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВНИ КУТИБ ОЛДИ!

Ўзбекистон замини азал-азалдан буюк олим уламо, фозилу фузалоларга, бир сўз билан айтганда, юксак салоҳиятга эга инсонларга бешик бўлган. Бугун истилқол ва юртимиздаги тинчлик-осойишталик боис буюк аждодларимиз шон-шухратига муносиб тенгсиз истеъдод ва куч-қудрат соҳиблари вояга етмоқда.

Кўни кеча юртимизнинг ана шундай музаффар фарзандларидан бири Руслан Чагаев ўзбек спортини ҳамда жаҳон боксини солномасида зарҳал саҳифа очди - профессионал боксининг WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпионилик камарини кўлга киритди.

Мана, қарийб бир ҳафтадирки, унинг улкан галабаси мамлакатимиз бўйлаб кенг тантанани кўришмоқда. Юртимизнинг катта-кичик шаҳарларидан тортиб олим кишлоқларигача ёшу қарининг юз-кўзида қувонч, қалби фахру ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Руслан ўзининг бетакор галабаси билан юртимиз доверугини яна бир бор оламга ёйди, халқимиз гурурига гурур қўшди, дўсту биродарларимиз қалбида эзгу хисларни мавжлантирди.

...2007 йил 19 апрель, соат 20.45. Тошкент халқаро аэропортида сайёрамизнинг машҳур боксчиси тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чуқур ҳаяжон ва чексиз қувонч билан жаҳон чемпиони кутлашга чоғланади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Руслан Чагаевга йўллаган табригида «Бугун Ўзбекистон аҳли бугун сеннинг спорт оламида курсатган бекиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб қамолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий галабани кўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпиониликка эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз» деб таъкидланган. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги спорт мажмуида гоят шиддатли ўтган беллашув давомида у мустақкам ирода ва азму шижоат соҳиб эканлиги яна бир бор исботлади.

Президентимиз Ислон Каримовга йўллаган мактубида Руслан Чагаев: «Мен ўз

галабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорт шайни химом қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ» дейди фахр билан.

Ватан шайини юксакларга кўтарган, унинг муқаддас номи олам узра тараннум этган фидойи фарзанд ҳар қанча хурмат-эҳтиромга сазовор. Президентимизнинг 2007 йил 17 апрелдаги фармониға бйноан профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоеён этган Руслан Чагаев Ватанимизнинг юксак муқодоти - "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Руслан Чагаевнинг иродали галабаси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, ўзбек бокс мактаби аъёнларини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

...Нихоят, оразиқиб қутилган лаҳзалар - Руслан Чагаев саломатдан бир кўлида юрт байроғи, иккинчи кўлида чемпионилик камари билан тушиб, киндик қони тўқилган она Ватани - Ўзбекистоннинг муқаддас заминига қадам қўйди. Миллий либосдаги қизлар унга гуллар тақдим этишди. Она юртига ёрғум ўз билан қайтган Русланинг кўзлариде севинч учкунлари порлайди.

...Хар гал галабадан сўнг сиз, азиз қадрдон юртдошларим ва устозларим билан дийдорлашми учун жонажон Ватанимга ошкманам, - дейди Руслан Чагаев. - Мен ўзимнинг энг эзгу орузим - жаҳон чемпиони бўлиш орқали Ватанимиз байроғини баян қўтаришга мурваффақ бўлдим. Албатта, профессионал рингда мағлубият аламини тотмай келаётган россиялик Николай Валуевга қарши жангга тушиш осон бўлгани йўқ. Бироқ баҳсининг ҳар бир лаҳзасида ортимда мамлакатимиз Президентини ҳамда миллионлаб юртдошларимнинг мени қойибона кўллаб-қувватлаётганларини ҳис қилиб турдим. Юртбошимиздан олган оқ фотиха ҳамда галабамни астойдил қутаётган мухлисларимнинг ишончи менга ружий мадад берди, кучимга куч қўшди.

Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА мухбири


Бундан буён ҳам Юртбошимизнинг ишончларини оқлаш, Ўзбекистон байроғини турли мамлакатлар спорт мажмуаларида оқори кўтариш учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман. Ёш авлодга ўзбек бокс мактаби аъёнларини ўргатиш орқали жонажон мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимиздан кўллаб жаҳон чемпионлари этишиб чиқишига ўз хиссамни қўшаман.

Тадбирда йиғилганлар Президент Ислон Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингарти спорт соҳасида олиб борилаётган оқилнона сиёсат туфайли юртимиздан ана шундай дунёга донги кетган жаҳон чемпиони этишиб чиқаётганини таъкидладилар. Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда буюк давлатни фавқат соғлом миллат, соғлом авлодига бунёд эта олади. Бундай кўтлуг зафарлар замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, мустақиллик аталмиш ноёб неъмат тортиқ қилган буюк имконлар мужассам.

Шу кўни минглаб юртдошларимиз пойтахтимиз кўчаларидан «Чайка-кабриолет»да ўтган Руслан Чагаевнинг пойига баҳор чечакларидан поендоз солишди. Унинг спорт оламида кўрсатган бекиёс жасорати шарафланиб, «Галабанг муборак, Руслан!», «Қадамнинг кўтлуг келсин, юртининг мард ўғлини!», «Сен билан фахрланамиз!» сингари кўтловлар билан плакатлар, байроқ кўтарган мухлислар оқими кўчалар бўйлаб қўзилди.

Ҳа, Руслан ўзининг тарихий галабаси билан халқимиз нималарга қодирлигини яна бир қарра намоеён қилди. Бу галаба Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган улкан эътибор ва гамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари А.Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.



Азим СУЙОН

Алн Руслан

Аллар ҳақида кўп ўқиганман Афсонаси кўндир уллар ҳақида. Аммо чин ални кўриб турибман Русланбой Чагаев қиёфасида.

Улкан дев олдига гўё осмондан Кўндан бир қутилган баҳодир тушиди. Зарбалар устига зарба ҳар ёндан, Ўзбекининг гурзиси - Чагаев муштин!

Тун қўйни чақнади - чақин, қалдирак, Юракларда довул, бўронлар увлар. Рақиб вужудидан изнсиз шитроқ, Рақиб вужудидан сачради сувлар!

Ғолиб бўлмоқликни ким истамас, ким, Ким, ахир, истайди бўлмоқни мағлуб. Тақдир шамоллари айлануб азим Она Ўзбекистон баҳодир, ғолиб!

Аллар ҳақида кўп ўқиганман Афсонаси кўндир уллар ҳақида. Аммо чин ални кўриб турибман Русланбой Чагаев қиёфасида.

4-БЕТА ҲАҚИДИ

Кун тартибидаги муҳим лойиҳалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда йиғилиш кун тартибидан ўрин олган бир неча қонун лойиҳалари бўйича маърузалар тингланди.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўз худуди ва давлат чегарасига эга бўлиб, уллар дахлсиздир. Сарҳад белгилари билан кўрсатиб қўйилган дохиллардаги чиқинқинг ўзи ҳайқилиши, шунингдек ваколатли органларнинг рухсатисиз ва белгиланган қоидаларга амал қилмаган чегара чизигини кесиб ўтиш тақиқланишини билдиради. Давлат чегарасини кўриклаш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) чегара қўшинларига юклатилган. Давлат чегарасини химоя қилиш ва кўриклаш бўйича ўз вазифасини бажариш жараёнида чегара қўшинлари томонидан кўллаб қоидабузариқларнинг олди олинаётди. Қўйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалала-

ри қўмитаси азбоси Собир Турсунов маърузаси ана шу ҳақда бўлди.

...Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари давлат чегарасини бузганлик учун фақат жиноий жавобгарликни назарда тутди. Давлат чегараси ишончли кўрикланишини, чегараларни тўқатиш ва хавфсизлик ва жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, шунингдек, товар моддий бойликларнинг қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига йўл қўймастик, МХХ чегара қўшинларининг ва бошқа куч ишлатиш ваколатига эга бўлган тузилмаларнинг самарали фаолияти учун шарт-шароит яратиш зарурлиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни та-

лаб қилади. "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси айни шу мақсадга хизмат қилади.

Фракция йиғилишида "Давлат бож тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" ва "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилди. Қонун лойиҳалари иккинчи ва учинчи ўқишда қўриб чиқилди.

ЎЗ мухбири

Дўстлик форуми

Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманида "Аёллар ва ёшлар экстремизм, террорчилик ва гиёҳвандликка қарши" мавзусида дўстлик форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбир иштирокчилари Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, айниқса аёллар ва ёшларнинг ўз қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратиб бериш борасида салмоқли ишлар қилинаётганини таъкидладилар. Бунда ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда дунёнинг қатор мамлакатларида экстремистик ҳаракатлар тинчликка раҳна солаётгани, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлаётгани қайд этилди. Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритилди. Экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши ҳамжиҳатликда кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида тумандаги ўнга яқин кам таъминланган оилаларга қимматбаҳо совғалар, касаначилик билан шуғулланаётган бир гуруҳ хотин-қизларга замонавий тикув машиналари топширилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Шамуротов сўзга чиқди.

Х. МАМАТРАЙНМОВ, ЎЗА мухбири

Истиқлол берган имкон

САХОВАТИ КЎП, ДАРОМАДИ МЎЛ

НУРИДДИНИНГ БОЛААГИ ДАЛАДА ЎТДИ. ПАХТА ДАЛАСИГА ЧИҚИБ ОТАСИГА ЕРДАМАЛАШДИ. АЙНИҚСА, КУЗ ФАСАИДА ОТАСИ ПОЛВИОН ТЕХНИКА БИЛАН ПОЕНСИЗ МАЙДАОНДАГИ ҲОСИЛДАН БЎШАГАН ЕРНИ АҒДАРА-ЕПГАНДА, БУ ЖАРАЕНИИ ЗҒР СИНЧКОВЛИК ВА КАПТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУЗАТАРДИ. ДЕХҚОНЧИЛИК ҚИЗИҚ ЭКАН-ДА, ДЕРДИ ЎЗ-ЎЗИГА, НАЗАРИДА ОТАСИ ЙЎЛГА КЕПГАН ЕРНИ ЙЎТОВАЙТГАНДАЙ, УНГА ЖОН АТО ЭЛАЙ-ГАНДАЙ ТУЮЛАРДИ. ШУ ТОВАДА ОТАСИНING ЕР БИЛАН ТИЛАШИШ, УНГА МЕҲР БЕРИШ КЕРАК. ДЕГАН СЎЗЛАРИНИ ХАҒАЙДАН ЎТКАЗИБ КЎЯРДИ.

Давоми 3 - бетда

ЎЗБЕКИСТОН-МИСР:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17-19 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Давоми. Боши 1 - бетда

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётди. Фармацевтика соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу соҳани фаол ўзлаштириш ва жадал ривожлантиришда катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиб орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ёа умуман МДҲ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда саккизта лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Комиссия йиғилишида белгилаб олинган устувор соҳалар бўйича муайян келишувларга эришиш учун қўлай имконият яратди. Форумда Ислам Каримовнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш баробарида ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очилди, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ишбилармонларнинг шерикликка интилишини кучайтириши алоҳида таъкидланди.

Узаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг моливиёй кўрсаткичлари икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги муайян даражада ўртадаги масофанинг узқолиги ва, энг муҳими, ҳамкорлик қилинадиган соҳалар тўла, атрофича ўрганиб чиқилмагани, ахборот алмашуви етарли даражада бўлмагани сабаб бўлаётди. Форумда ишбилармонлар Ўзбекистон ва Мисрнинг иқтисодий салоҳияти билан янада яқиндан танишдилар.

Президентларимизнинг муносабатларидаги самимийлик ва ўзаро ҳурмат бизни ҳам руҳлантирмоқда, — дейди Миср савдо палаталари Федерацияси раиси Муҳаммад ал-Масри. — Биз бунга ўзимизга билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қиламиз ва уни ҳар томонлама оқлашга ҳарқат қиламиз. Бугунги анжуман қўлланганидан ҳам муваффақиятли ўтди. Барча саволларга аниқ жавоблар олинди.

Ислам Каримовнинг Мисрда ташрифи асосида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳуқуқлари ўртасида уюшган жиро-ноҳилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малякисини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-санот палатаси билан Миср Савдо палаталари Федерацияси, "Узинфинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида аниқлашган меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида моливиёй ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти уларнинг кўрсаткичлари билан билиниб турибди. Хусусан, терроризм ва уюшган жиноятчилик дейилганда, наркобизнес, экстремизм каби таҳдидлар ҳам назарда тутилади. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай таҳдидлар аниқлашга ва профилактика таъминлашнинг умумий муаммоларини пайдо қилади. Демак, уларга қарши кураш ҳамкорликда амалга оширилишига кўтилган натижа беради. Бу миллий манфаатларга тўла мосдир. Зеро, миллий манфаат, аввало миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш билан

Иқтисодий ҳамкорлик давлатларaro муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жорий йил март ойда Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлари ўзаро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намойиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрда қўллан турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабел-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, қўёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида қўллан келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Миср бизнес форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-санот палатаси ҳамда Миср Тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуман Тошкентда ўтган ҳукуматларaro қўшма

Таъкидлаш жоизки, Миср тadbиркорлар уюшмаси ва Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-санот палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Узинфинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида аниқлашган меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида моливиёй ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифини кенг ёритди, ташриф икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришини алоҳида қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Миср Араб Республикасида расмий ташрифи нихоясида етди. Ташриф давомида эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, бу борада янги уфқлар очиши шубҳасиздир.

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган тadbирда шаҳар партия Кенгаши томонидан фаолиятдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ҳали қўллаб ишлар амалга оширилиши лозимлиги, бунинг учун эса партия аъзолари сафини фаол, фидойий, бир сўз билан айтганда, муносиб кадрлар ҳисобига мустаҳкамлаб бориш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Мустаҳкам ва барқарор иқтисодий аҳвол партия фаолияти савияси камровида муҳим ўрин тутади. Бу, албатта, партияди дав-

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашида

Аёл — жамият кўрки



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда аёлларнинг туганган ўрни" мавзусида дара суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қўнуқчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар Адлия бошқармаси ФХДБ бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Анжуманда сўнги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги маъқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларга турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги

Семинар

Ошқора танқид руҳида

"Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг "Худудий партия ташкилотларининг муаммолари ва улар фаолиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда вужудга келаятган ҳозирги янги сиёсий воқеалик шaroитида "Адолат" СДПнинг ҳам давр талабига мос равишда ўз фаолиятини кучайтириш, ишга ёндошушни янгилаш бўйича аниқ ва амалий қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг самарали ижросини таъминлаш борасида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган тadbирда шаҳар партия Кенгаши томонидан фаолиятдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ҳали қўллаб ишлар амалга оширилиши лозимлиги, бунинг учун эса партия аъзолари сафини фаол, фидойий, бир сўз билан айтганда, муносиб кадрлар ҳисобига мустаҳкамлаб бориш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Мустаҳкам ва барқарор иқтисодий аҳвол партия фаолияти савияси камровида муҳим ўрин тутади. Бу, албатта, партияди дав-

лат бюджети ҳисобидан молиялаштиришгагина боғлиқ эмас. Аъзолик бадаллари йиғими тизими бeнyосун ишлаши керак. Бу масалада ҳам камчиликлар борлиги айтилди. Шунингдек, тadbирда ҳамкорлик доираси торлиги, партия фаолиятига доир тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам етарли даражада эмаслиги хусусида гапирилди.

Ўқув-семинарида худудий партия ташкилотлари етакчиларининг ҳуқуқий-партиявий билимларини чархалаш, назоратдан ўтказиш мақсадида тест синовий юритилди. Бундан ташқари, қилинган ва қилинаётган ишлар, режалар, партия ҳаётига оид худудий маълумотлар ўзига ҳоз тарқатма саволлар орқали аниқланди.

Фарҳод ЭСАНОВ, «Адолат» мухбири



Самимий мулоқотлар

Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасининг Маданият саройида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партия аъзолари ва котиблари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда талабаларга "Адолат" СДП мақсад ва вазифалари, бугунги кундаги фаолияти ҳамда кўнун ижодкорлиги, ижро назорати хусусида тўлиқ тушуночалар берилди. Айниқса, партиядинг меъёрий ҳужжатларида ёшлар фаолиятига оид аниқ йўналишлар белгиланганлиги, ҳозирги кунда вилоят ва туман Кенгашларида ёшлар қаноти ташкилотлари тuzилаяётгани ҳақида алоҳида сўз бўлди.

Бугунги кун долзарб масалаларидан бири ёшлар дунёқарадини ошириш, уларнинг сиёсий билимини юксалтиришдир. ТДУнинг Маз-

Партия кўзгуси

Самимий мулоқотлар

Қарши шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қўнун ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партиядинг шаҳар ва туман Кенгашлари биринчи котиблари, бошлангич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

Йиғилишда "Адолат" СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби Абдуқаҳҳор Аҳмедов, Қарши Маданият коллежи кафедра мудири Хайрулло Рўзиев, вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси масъул ходими Шеркул Шероф ва бошқалар сўзга чиқиди. Мазкур суҳбатда ўз маърузаларида тadbир иштирокчилари эътиборини Конституциявий қўнуннинг мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш, ислохотлардаги иштироки ва фаолиятини оширишда туган юксак аҳамиятига қаратишди. Шу билан бирга, Конституциявий қўнунни ҳаётга тadbир этиш омиллари, бунда партиядар, хусусан, "Адолат" СДП олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида ҳам сўз борди. Бунинг учун партия фаоллари ташаббускорлик билан халқ ичига кириб боришлари лозимлиги уқтирилди.

Тadbир сўнгисида бошлангич партия ташкилотлари фаолиятида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, кучайтириш юзасидан чора-тadbирлар ишлаб чиқиш бўйича амалий маслаҳатлар берилди.

Узаро самимий мулоқот тарзида ўтган давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

К. САХАТОВ, «Адолат» мухбири



Кўкларни ким ҳам соғинмайди, дейсиз. Табиатининг чирой очиб, қир-адирларининг, дов-даракларининг яшилликка буркангани кўнгуллarga илқ туйғулар бағишлайди.

Хўжабўлғонлик РАИС

Бойсунлик Ҳайитмурод Рахимов, асли чорвадор. Лекин бог шайдоши бўлгани учунми, ўзи кўкартирган ниҳолларга боқиб, умри бесамар ўтмайганидан суноади. Соҳибкор билан бодомзорларни айланди. Экилганга хали кўн бўлмаган бодомлари оппоқ ҳарир либосига уранган малаклар сингари яшанб турибди. Уларга боқиб кишининг кўзи тўймайди.

Айтганча, қаҳрамонимиз тумандаги чорвачиликка ихтисослашган «Сайроб» ширкат хўжалиги раҳбари бўлиб ишлайди. Хўжаликнинг 103 минг гектар тоғолди йилловларида 21 минг бош қорақўл қўй боқилмоқда. 38 та отарда юздан ортқ қўнлар, ветеринари, зоотехниклар туну кун чорвага кўзқўлок. Уларнинг бу йилги ниятлари катта: 1001 донга сифатли қорақўл тери, 20 тонна жун етиштиришни режага олган. Айни пайтда тери ва жун тайёрлаш ишлари қизғин.

Ҳайитмурод ака кўклар ёмиридан қониқиб ўсаётган ўт-ўланларга боқиб, яйраб сўзлайди: — Бу йил чорвадорларга табиат кулиб боқди. Яқин йилларда кўклар бундай серёмига келмаганди. Чорвадорнинг сифатли маҳсулот етказиб бериши озука манбаига боғлиқ. Қиш ва баҳор серёми келса, майсалардан туйган қўй-эчкиларнинг, айниқса, қорақўл зотли қўйларнинг соғломлиги ортади, териси сифатли, жун

пишиқ бўлади. Маҳсулотларнинг харидорлиги ортади. Даромад ҳам шунга яраша — баракали бўлади. Ширкат хўжалиги худудида Сайроб, Тиллокамар, Мунчок, Хўжабўлғон, Панжоб, Чилонзор, Беш эркак, Жамқон қишлоқлари жойлашган. Қишлоқлар ораси олис. Муаммолари ҳам шунга яраша, яъни қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Бу йиллар давомида орзуга айланиб қолган эди. Шўқрик, истиклол шарофати ила ана шу орзу шобат бўлди. Термиз — Тошкент катта автомагистраль йўлидан қатнаётган киши бойсун худудига қираётиб, йўл ёқасида Хўжабўлғон, Чилонзор, Мунчок, Панжоб, Сайроб қишлоқлари га дуч келади. Йўл-йўлакчи курилган йўллар бир-бирига боғлиқ кетган. Хонадонлар электр нури, табиий газдан баҳраманд. Қишлоқ ахли ўзларини ана шундай қўлайликлардан баҳраманд этган фидойиларга тасанно айтади. 2004 йили Ҳайитмурод Рахимов фаолиятида бурилиш юз берди. У мамлакатимизда фаолият олиб бораётган партияларнинг дастурлари билан таниш чикди, уларнинг ҳар бири ҳақида ўзича мулоҳаза қилиб кўрди. Сўнгра "Адолат" социал-демократик партиясини танлади. У партиядан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутат этиб сайланди. Ҳайитмурод ака сайловчи-

ларига нафи тегадиган ишларнинг қирбига чиқишга бел боғлаб кўрибди. Дастлаб саккизта қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг режасини тuzди. Вилоятдаги раҳбарлар билан гапни бир жойга қўйиб, пойтахтга йўл олди. «Обиҳаёт» бирлашмаси раҳбарларига учраб, юрагиди гапларини айтди. Лойиҳачилар ерданга келишди. Ер шароити билан танишди, чизмаларни тайёрлашди. Лойиҳа учун беш миллион сўм сарфланадиган бўлди. Бу харажатни ширкат хўжалиги кўтарди. «Хўжамаёхона — Чилонзор» магистрал қувурини ётқизиш учун эса, 400 миллион сўм маблағни топиш раиснинг оромини бузарди. У тап тортмай лойиҳани олиб, вилоят ҳокимлигига қирди. Раҳбар учун эл дардига елкадош бўлишдан улуг бахт йўқ. Вилоят раҳбари харажатнинг ярмини маҳаллий бюджет ҳисобидан кўтаришини айтиб Ҳайитмурод аканинг хайрли ишларига омад тилади. Бу хўшабардан руҳланган сайробликлар хашарга отланишди. Ширкат хўжалиги раҳбари уларга бош-қош бўлди. «Хўжабўлғон» маҳалла оқсоқоли Хуршид Ганиев, «Мунчок» маҳалла раиси Нурулло Абдуназаров, «Чилонзор» маҳаллабоши Юсуф Маматовнинг тилларини бот томади. — Ширкат хўжалигининг раиси Ҳайитмуроддан ҳамма рози. У бошланган ташаббус туфайли

«Адолат» социал-демократик партиясининг аъзолари ва хайрихоҳлари сони тўбора ортиб бормоқда. Буни Қашқадарё вилояти партия ташкилотларининг самарали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Партиянинг Қашаши туман Кенгаши томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли

ишлар соҳа ходимларини бeрaрқ қолдирмапти. Хусусан, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш сингари муҳим вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшаётган туман партия ташкилотининг тарғибот тadbирлари самарасини бeрaтгани кувонарли ҳол.

Суратда: «Адолат» СДП Қашаши туман Кенгаши биринчи котиби Файрат Мойлиев партиядинг янги аъзоларига аъзолик билетларини топширмоқда. Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Шарҳловчи манбари

Дунё ҳамжамиятида дадил ва мустақил

Биз Ўзбекистон раҳбарининг Мисрга қилган расмий таширифини катта қизиқиш ва диққат билан кузатдик. Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам бой тарихга ва узоқ ўтмишга эга қадимий юрталар.

Улардаги тарихий, маданий, маърифий, маънавий ва диний яқинлик гўё мулоқотларнинг самарасини олдидан қабуллагандай бўлди. Нафақат араб дунёси ва мусулмон оламида, балки жаҳонда катта салоҳиятга эга бўлган давлат раҳбари жаҳон сиёсат оламига ўз мустақил қадами билан кириб келган давлат раҳбарини ўзининг яқин биродаридек қарши олди, қабул қилди.

Узбекистоннинг таъминлашда ҳам муваффақиятга эришининг энг муҳим шартини булган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас, деди Президентимиз Ислам Каримов.

Бунинг ШХТ нафақат минтақада хавфсизликни таъминлайдиган, балки кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйдиган халқаро ташкилот ҳамдир. Аёзо давлатларда ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми яшайди. Агар кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ҳам эътиборга олинса, ер юзи аҳолисининг тенг ярми яшайдиган ҳудуд шу ташкилотга дахлдор. Демак, бу ташкилот нафақат минтақавий аҳамиятга, балки жаҳон миқёсидаги халқаро масалаларни кўриб чиқишда ҳам катта салоҳиятга эга. Шанхайда ўтган йилги ташкилотнинг юбилей саммити бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов: "ШХТнинг келажакда бизнинг сайёҳаракатларимизга боғлиқдир" деди. Саммитда ташкилотнинг Тошкентдаги Минтақавий ақсилдор тузилмаси фаолиятга тегишли баҳо берилди, Котибият ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилди. Шунингдек, аёзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди. Саммит ишида кузатувчи мақомига эга бўлган Эрон, Покистон, Афғонистон, Мўғулистон президентлари, Хиндистон вакили иштирок этди. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, Шанхайдаги саммит ШХТнинг долзарблигини ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди.

"Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршилиқларни бартафат этишда ҳам, миллатлараро ва

динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришининг энг муҳим шартини булган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас", деди Президентимиз Ислам Каримов. Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аёзо давлатлар раҳбарларининг 2006 йил ёзда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган саммитида сўзлаган нутқида. Ўзбекистон ўз ташкилотнинг ҳамда халқаро учрашувларга дахлдор бўлмаган ҳолда бевосита Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида доир жами ўн саккиз марта учрашув ўтказган бўлса, шунинг тўрттаси 2006 йилга тўғри келади. Айниқса, сентябрь ва ноябрь ойларидаги учрашувлар гоятда самарали бўлди. Сентябрьда Останда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро муносабатларнинг кенгашининг низомига имзо чекилган бўлса, ноябрда Тошкентда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Унда нафақат давлатлараро муносабатларга доир масалалар, балки долзарб халқаро муаммоларга ендошув ҳам кўриб чиқилди. Демак, ўзаро ишонч ва маслаҳатлашув принциплари ишга тушди.

Россия билан кўп томонлама дўстона ҳамкорлик Ўзбекистон ташкилотининг асосий устувор йўналиши бўлиб келган. Айниқса, иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўзаро ишонч муҳити янада мустаҳкамланди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг аҳамияти Россия ва Ўзбекистон раҳбарларининг ўтган йил май ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларида ҳам таъкидлаб ўтилди. Жаҳондаги ҳозирги воқеалар

асос бўлмоқда. Мен мустақилликнинг дастлабки йилларини яхши эсламан. Президентлар Аҳмад Яссавий бобомиз номини тилга олиб, халқларимиз ўртасидаги қароқчилик алоқаларига содиқ қолишга сўз беришган эди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқинчи бўлиб, ўтган йилнинг кузига Ислам Каримов Қозоғистонда, Нурсултон Назарбаев Ўзбекистонда бўлди. Президентларимиз турли халқаро ташкилотлар саммитлари ҳамда халқаро учрашувларга дахлдор бўлмаган ҳолда бевосита Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида доир жами ўн саккиз марта учрашув ўтказган бўлса, шунинг тўрттаси 2006 йилга тўғри келади. Айниқса, сентябрь ва ноябрь ойларидаги учрашувлар гоятда самарали бўлди. Сентябрьда Останда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро муносабатларнинг кенгашининг низомига имзо чекилган бўлса, ноябрда Тошкентда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Унда нафақат давлатлараро муносабатларга доир масалалар, балки долзарб халқаро муаммоларга ендошув ҳам кўриб чиқилди. Демак, ўзаро ишонч ва маслаҳатлашув принциплари ишга тушди.

Россия билан кўп томонлама дўстона ҳамкорлик Ўзбекистон ташкилотининг асосий устувор йўналиши бўлиб келган. Айниқса, иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўзаро ишонч муҳити янада мустаҳкамланди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг аҳамияти Россия ва Ўзбекистон раҳбарларининг ўтган йил май ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларида ҳам таъкидлаб ўтилди. Жаҳондаги ҳозирги воқеалар

ни, дунё сиёсатининг моҳиятини англаб етиш жуда мураккаб. Тўғри қадам босиш, фикрлаш, ҳулоса чиқариш ва тўғри йўл танлаш учун кўп нарсани биллишдан ташқари иттифоқчи, шерик ва ҳамкорни тўғри танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнингча, Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Россия, Хитой ва Корея Республикаси билан ўрнатган ҳозирги муносабатлари ана шу мезонларга тўғри келади. 2006 йилда бу муносабатлар янада мустаҳкамланди ва янги имкониятлар эшиги очилди. Бунинг жумладан, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида ўрнатилган стратегик ҳамкорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатларимиз нафақат савдо-иқтисодий соҳада, балки сиёсий соҳада, чунинчи, халқаро муаммоларга ендошувларда ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Президентимиз 2006 йилда давлат таширифи билан Корея Республикасида бўлди.


Юқорида биз Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки ҳақида тўхталиб, унинг таклифлари ва ташаббусларига алоҳида ургу бериб ўтган эдик. Жумладан, ўтган йил охирида яна бир хушбахтардан воқиф бўлди. БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиё давлатлари номидан Ўзбекистон делегацияси томонидан тақдим этилган "Марказий Осиёда ядро қуролдан ҳоли ҳудудни яратиш" резолюциясини маъқуллади. Жами 141 давлат бу ҳужжатни ёқлаб овоз берди. Хабарингиз бор, Ўзбекистон раҳбари бу гоёнинг ташаббускори бўлган эди. Сўзимиз ва овозимизни эшитиб, дунё тақдирини ҳам маъқуллади. Демак, бундан буён ҳам жаҳон билан бўйлашишга қодиримиз. Жаҳон сиёсат оламида бизнинг ўз ўрнини бор. **Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи, "Туркистон-пресс"**

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Фаластинда Миллий хавфсизлик кенгаши

Фаластинда Миллий Хавфсизлик кенгаши ташкил этилди.

Хавфсизлик кенгашига Фаластин мухторияти етакчиси Махмуд Аббос раҳбарлик қилади. Унинг ўринбосари сифатида ХАМАС ҳаракати бошлиғи Исмоил Хония фаолият олиб боради. Хабарларга кўра, Кенгаш Фаластинда тартиб ўрнатиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлари бошқаради. У ўз таркибиде кўп сонли Фаластин махсус хизматларини бирлаштирган.




Демакки, мамлакатда икки сиёсий куч — Махмуд Аббос бошчилигидаги ФАТҲ ва Исмоил Хония етакчилигидаги ХАМАС ҳаракати муроСага келиш энг мақбул йўл эканлигини англаб етган кўрилади. Эслатиб ўтамиз, 16 апрель кунги Миллий Хавфсизлик кенгашини Фаластин ҳукумати маъқуллаган.

Миллиардерлар кўнаймоқда

Мексикалик миллиардер АҚШлик Баффетдан ўзиб кетди.

- ард \$, АҚШ
- 2. Карлос Слим Кейл — 53,1 миллиард \$, Мексика
- 3. Уоррен Баффетт — 52,4 миллиард \$, АҚШ
- 4. Ингвар Камрад — 28 миллиард \$, Швеция
- 5. Лакшми, Миттал — 27,7 миллиард \$, Хиндистон
- 6. Пол Аллен — 22 миллиард \$, АҚШ
- 7. Бернард Арно — 21,5 миллиард \$, Франция
- 8. Шахзода Ал-Валид — 20 миллиард \$, Саудия Арабистони
- 9. Давид Томсон — 19,6 миллиард \$, Канада
- 10. Ли Ка-Шинг — 18,8 миллиард \$, Гонконг
- 11. Роман Абрамович — 18,2 миллиард \$, Россия
- 12. Майкл Делл — 17,1 миллиард \$, АҚШ



Мексикалик телекоммуникация магнати Карлос Слим Элу дунёдаги энг бой одамлар рўйхатининг иккинчи погонасидан жой олган америкалик Уоррен Баффетдан илгарилар кетди, деб хабар беради "The Forbes" журнали. Журнал таркатган хабарларга кўра, 67 ёшли магнатнинг айни пайтдаги маблағи 53,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу Мексика иқтисодиёти ва бозори юқори суръатларда ривожланиётганлиги билан изоҳланмоқда. Рейтингда биринчи ўринни қарийб 13 йилдан буён "Microsoft" компанияси асосчиси Билл Гейтс эгаллаб келмоқда. Унинг ҳисобида 56 миллиард АҚШ доллари бор. 1. Билл Гейтс — 56 милли-

Тиниб-тинчимаган одамлар

Дубайда айланувчи осмонўпар бино қурилади.

68 қаватли ушбу ажойиб иншоот ҳар бир қавати боқасига боғлиқ бўлмаган тарзда айлана бўйлаб 360 даража ҳаракатлана олади, деб ёздади "The Wall Street Journal" нашри. Бу эса бинонинг доимий тарзда ташқи қиёфасини ўзгартириб туради, деганидир. Лойиҳа баҳоси 330 миллион доллар миқдорига баҳоланмоқда.



Миноранинг ҳар бир қавати лифтлар, энг хавфсизлиги зиналари, ерданчи механизмлардан иборат умумий стержега бириктирилади. Қаватлар ўртасига шамол двигатели ёрдамида ишлайдиган генератор жойлаштирилади. Минорада меҳмонхона, офис ва хусусий апартаментлар жойлаштирилиши кутилмоқда. Айни пайтда бош архитектор Дэвид Фишер ва унинг жамоаси айланувчи осмонўпар бино учун канализация, сув таъминоти тизими лойиҳаси-

ни ишлаб чиқмоқда. Таъкидлаш ҳавфсизлиги зиналари, ерданчи механизмлардан иборат умумий стержега бириктирилади. Қаватлар ўртасига шамол двигатели ёрдамида ишлайдиган генератор жойлаштирилади. Минорада меҳмонхона, офис ва хусусий апартаментлар жойлаштирилиши кутилмоқда. Айни пайтда бош архитектор Дэвид Фишер ва унинг жамоаси айланувчи осмонўпар бино учун канализация, сув таъминоти тизими лойиҳаси-

Юракдаги ўқ билан...

Вьетнам фуқароси юракдаги ўқ билан 39 йил яшайди.

Собиқ ҳарбий хизматчи Ле Дин Хунунинг юракдан уруш давридан қолган ўқ олиб ташланган. У мамлакатдаги Ханоя касалхонасида операция қилинган. Ҳозир беморнинг соғлиги анча яхши.

одамнинг юрагига ўқ тегса, уни дарҳол операция қилиш керак. Акс ҳолда, бемор узоқ яшай олмайд.

— Бу менин ҳаётимдаги энг мураккаб операция бўлди, — дейди собиқ ҳарбий операция қилган шифохона ходимларидан бири. — Одатда,

одамнинг юрагига ўқ тегса, уни дарҳол операция қилиш керак. Акс ҳолда, бемор узоқ яшай олмайд.

Италияликлар узоқ умр кўради

Италия статистика тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, мамлакат эркекларининг ўртача ёши 77,2, аёлларники эса 82,3 ёши ташкил этади.

1974 йилдан 2003 йилгача мамлакатда эркекларнинг умри етти, аёлларники қарийб саккиз йилга ўзаянган. Бир неча йил аввал Апеннин ярим ороли аҳолиси ўртасида юрак-қон томир ва рақ касалликларнинг камлиги билан қизқанган америкалик олимлар узоқ яшаш сирига

калит топишган эди. Ушбу тадқиқотлар мубайнида италияликлар жон дилдан севиб тановул қиладиган сагетти, помидор, қизил вино ва қуйдирилган қизил қалампир кўплаб касалликларнинг ривожланишига йўл қўймайди. **М.УМАРҚУЛОВА таъбирлади**

Истиқдол берган имкон

САХОВАТИ КЎП, ДАРОМАДИ МЎЛ

Давоми. Боши 1 - бетда
Шунинг натижаси бўлдики, Нуриддин 1995 йили хўжаликдан 20 гектар ер олиб, оилавий пудрат ташкил этди. Уша йили ҳам пахтачилик, ҳам галлачилик билан шугулланди. Оила аъзолари ахилликда, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилгани сабаб мўл ҳосил етиштирилди. Уша йил пудратчилар орасида энг юқори ҳосил олган Нуриддиннинг оиласи бўлди.

Нуриддин Уринов деҳқончилик кони барака эканлигини ўшанда англаб етди. 2001 йили эса оилавий пудратини "Уринли отахон — ИАКН" фермер хўжалигига айлантди. Туман «Пахта банки»дан ҳисоб рақами очиб кредит олди. Ана шу кредит ҳисобига техника сотиб олди, ёқилги ва ўғитларни ўзи келтирадиган, ҳисоб-китобни маромида олиб борадиган бўлди. Бу, албатта, иш сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилди. Натижада пахта ва галла экиб катта даромад олди. Бир сўз билан айтганда, ҳалол ва фидойи меҳнати туфайли бой фермерлар қаторидан ўрин олди.


Кармана туман ҳокимлигида бўлганимизда, пешкадам фермерлар ҳақида гап кетди. Туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Махмуд Бобоқулов лавҳамиз ҳақрамони — Нуриддин Уриновнинг ютуқлари, қилаётган хайрли ишлари ҳақида гапириб, унинг фидокорлиги, меҳнатсе-

варлигини таъкидлади. Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашмоқчи бўлиб далага етиб келганимизда, у чигит экиш учун тахлаб қўйилган экин майдони атрофида фермер хўжалиги аъзолари билан суҳбатлашиб турган экан. — Бугун-эрта экишни бошламоқчимиз, — деди Нуриддин биз билан салом-алиқ қилар экан. — Табиатнинг ўз қонунлари бор-да. Бир ҳафтадан буён ёгингарчилик тинмапти. Чигит экиш саялқаларимиз тайёр. Ариқ-зовурларни қазиб, йўл кўприкларини тузатаёلمиз. Маҳаллий ўғитни эса аллақачон жамғариб қўйганмиз.

Биз Нуриддиндан ўтган йилги ютуқлари ҳақида сўрадик. — Утган йилги ютугимиз чакки бўлмади, — деди сўзини давом эттирди. — Ҳозир уларнинг ер қисми ҳосилга кирди. Бундан ташқари, Қўқондан 5 минг туп терак ниҳолларини келтирдик. Минг тупини дала-ларимизга эдик, қолганини қўшни фермерларга сотдик. Нуриддин Уринов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларининг бу йилги ниятлари янада улуг. Улар жорий йилда мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта, 60 центнердан галла хирмони яратмоқчи. Шу боис ҳам баҳорги дала ишларини ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб, астойдил меҳнат қилишяпти.

Чигит экиш учун тайёрланган қафтдек текис ер майдони атрофидаги турнақатор экилган дарактарга боқиб ҳавасимиз келди. Нуриддин бунинг сезгандек: — Пахтазор атрофидаги 500 туп мевали дарактарини 2003 йили эккандик, — дея сўзини давом эттирди. — Ҳозир уларнинг ер қисми ҳосилга кирди. Бундан ташқари, Қўқондан 5 минг туп терак ниҳолларини келтирдик. Минг тупини дала-ларимизга эдик, қолганини қўшни фермерларга сотдик. Нуриддин Уринов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларининг бу йилги ниятлари янада улуг. Улар жорий йилда мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта, 60 центнердан галла хирмони яратмоқчи. Шу боис ҳам баҳорги дала ишларини ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб, астойдил меҳнат қилишяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётганлар сонининг кўнайиши сифати маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан бирга нарх-навоининг арзоналишига ҳам омил бўлади. Пойтахтимиздаги АЗН масъулияти чекланган жамиятининг 50 нафар ишчи-ҳодимлари қирқ турдаги музлатгичлар ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми эса бир йилда 550 та музлатгични ташкил этади.



Н. ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Андижонда:

Янги кўшма корхона

Қўрғонтепа туманида етти минг погонметр заглама ишлаб чиқариш қувватига эга "Қўштепекстиль" кўшма корхонаси қад ростламоқда. Янги тўқимачилик корхонаси хитойлик сармоядорлар ҳамкорлигида қуриляпти. Корхона маҳсулотларининг учдан икки қисмини экспорт қилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш майдонлари текисланиб, тўқимачилик ускуналари ўрнатилляпти. Ўқув курсларида эса йигит-қизлар касбага ўргатилмоқда. Янги кўшма корхонада икки юз эликдан зиёд иш ўринлари очилади.


Хонобод спагеттилари

Хонобод шаҳридаги "Имконият келажак" акциядорлик жамияти янги мақорон ҳечини ишига туширди. Бу ерда Япониянинг "Судзуки" компанияси ишлаб чиқарган янги асбоб-ускуналар ёрдамида ўзининг алоҳида сифат кўрсаткичлари билан ажралаб турувчи спагетти ишлаб чиқарилади. Шунингдек, корхона ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда шарқ ширинликлари ишлаб чиқаришни ҳам режага киритган. Ёзининг иссиқ кунларида эса шифобахш хусусиятга эга бўлган минерал сув ихчам идишларда сотувга чиқарилади.

Толадан тайёр маҳсулотгача

Олтинқўл туманида яна бир кўшма корхона — "Олтинқўлтекстиль" иш бошлади. "Евро-англо" компаниясининг 3,2 миллион доллар сармоеси киритилган кўшма, замонавий тўқимачилик, ранг бериши, бўртиши станоклари ва ускуналари ўрнатилди. Корхонанинг йиллик қуввати жаҳон стандартларига жавоб берувчи 1,35 минг тонна маҳсулот тайёрлаш бўлиб, 224 нафар киши мунтазам иш билан таъминланади. "Туркистон-пресс"

СЕН БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ, РУСЛАН!



БУГУН БУТУН ЮРТИМИЗ АҲЛИ РУСЛАННИНГ СПОРТ ОЛАМИДА КЎРСАТГАН БЕКИМС МАҲОРАТИНИ КАПА ТАНАНА ҚИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РУСЛАН ЧАГАЕВГА ЙЎЛЛАГАН ТАБРИГИДА ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, БИЗ ЎЗБЕК БОКС МАКТАБИДА ТАРБИЯ ТОПИБ КАМОЛАТ ЕПГАН ЮРТИМИЗ ЎГАНИНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, ЎТА ОГИР ВАЗНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГА ЭРИШГАНДАН ФАХРЛАНАМИЗ ВА ШУ ТАРИҚА УНИНГ ЎЗБЕК СПОРТИ ВА ЖАҲОН БОКСИ СОЛНОМАСИДА ЯНГИ, ЗАРҲАЛ САҲИФА ОЧГАНИ БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ.

Бу учрашувни бутун дунё бокс мухлислари катта ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутишганди. Бунга эса аввало, иккала боксчи ўртасида жисмоний жиҳатдан катта тафовут борлиги сабаб эди. Шунингдек, Николай Валуев ушбу жангча 46 учрашув ўтказиб, барчасида (36 тасини нокаут билан) зафар кучган. Руслан Чагаев эса бунгача 23 мартаба профессионал рингга кутарилиб, 22 (17 тасида нокаут билан) тасида галаба қозонган ва битта дуррагга эришганди.

Жаҳоннинг етакчи мутахассисларидан бири, таникли промоутер америкалик Дон Кинг ҳам россиялик боксчининг галабасига ишонганлигини ошқор қилиб, "Бу оламшумул жанг бўлади. Унда Николайнинг кўли банд келади. Ахир, у оламнинг саккизинчи муъжизаси-ку! Валуев улкан юракли пахлавон", деганди.

Ҳамюртимиз Руслан Чагаев эса жанг олдида утган матбуот анжуманида ишонч билан қўйидаги жавоб қилди: "Валуев мендан айрим ва бақувват, албатта. Аммо рингда мен унга нисбатан тезкор ҳаракат қилиб, кучли зарба

беришга қодирман. Мақсадим — жаҳон чемпиони бўлиш. Ҳозир менда айнан шундай имконият тугилган. Ундан унумли фойдаланиш учун бор куч ва имкониятни ишга соламан.

Ёдингизда бўлса, Николай Валуев 2005 йилда келиб чиқиши асли пурто-риколик Жон Руис (АҚШ)ни очколар ҳисобида енгиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган эди. Утган вақт мобайнида Оуэн Бек, Монте Баррет ҳамда Жамил Маклайларни мағлубиятга учратиб, олтин кармари узда сақлаб қолганди. Профессионал рингга қаторасига кетма-кет 49 жангда зафар кучган афсонавий боксчи Рокки Марчианонинг ўзига хос рекордини янгилашга шайланганлигини кейинги пайтда бот-бот тилга олаётган Николай Валуев Руслан Чагаев қаршида озми озми қолди.

Ўз вақтида ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони бўлган Руслан Чагаев профессионал рингда ҳам тенгсиз эканлигини исботлади. Ҳаваскорлар боксидида 85 та учрашувда рингга кўтарилиб, тажриба орттирган

ганлиги ўз самарасини берди. WBA йўналиши бўйича енгилмас, деб ном олган Николай Валуевга қарши кечган ўн икки раундли жангда Руслан Чагаев чин маънода маҳорат кўрсатди. Ниҳоятда мурасасиз кечган учрашув якунида ҳакамлар ҳамюртимизнинг ҳақли равишда очколар ҳисобида галаба қозонганлигини эълон қилишди — 114:114; 115:113; 117:111.

— Бу кун ҳаётимда ёрқин ва бир умр унутилмас из қолдиради, — деди учрашув тугагач, янги жаҳон чемпиони. — Рақибимнинг менга нисбатан баҳайбат ва ўта оғир вазилигининг энди аҳамияти йўқ. Фаолиятимдаги энг муҳим ва чиройли жанглиримдан бирини ўтказиб, унда галаба қозонганимдан беҳад бахтиёрман. Энг асосийси, Президентимизга, халқимизга берган сўзининг устидан чиққанлигим қувончимга янада қувонч қўшади. Ўзбекистонимизни жону дилдан севаман!

Эсингизда бўлса, ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 2000 йили мамлакатимиз Президентига профессионал бокс бўйича ҳам вақти

келиб, албатта жаҳон чемпионлигини қўлга киритишга ва она Ватани — Ўзбекистон номини янада улуглашга сўз берган эди. У ўз ваъдасини утқаллади.

Ваъдасига вафодор, юртимизнинг мард ўғлонлари эса ҳукуратимиз ва халқимиз томонидан муносиб эъзозланган, эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов фармонида кўра жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг «Буюк хизматлари учун» орден билан муқофотлангани ҳам ана шундай юксак эътироф намунасикидир.

Ҳа, юртимизнинг асл ўғлони Руслан Чагаев профессионал бокснинг энг нуфузли — Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритиб, мустақил Ўзбекистонимиз номини оламга яна бир карра машҳур қилди. Жаҳон спорти саҳнида улкан шон-шўҳрат қозонган боксчининг қулуг қадамлари халқимизнинг энг қадим ҳеч қимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаганини яна бир амалий исботидир.

Эркин ХОЛБОВО

“Адолат” ҳуқуқий маслаҳатхонаси

25 фоиз қўшимча балл

Утган йил мuddатли ҳарбий хизматда бўлиб қайтдим. Энди олий ўқув юртиларидан бирига ўқишга кирмоқчиман. Менга бериладиган имтиёзлар ҳақида баътафсил тушуنча берсангиз.

Собир Ҳусанов, Самарқанд вилояти

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди мuddатли ҳарбий хизматни ўтаганларга олий ўқув юртиларига киришда бир қатор имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Жумладан мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тўплаган балларига тест синовлариди энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориди қўшимча балл берилади. Фақат бу имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга берилади ва Ўзбекистон

Республикасининг барча олий ўқув юртилариди таълимнинг ҳамма йўналишларига истисносиз жорий этилади. Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ тест синовиди давомида керакли балл тўплай олмаган мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқининг педагогика, кишлоқ ҳўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Шунингдек, мазкур қарорда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида «Камолот» ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда, контракт суммасининг 35 фоизи миқдориди моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Компенсация тўланади

Дўстим контракт асосида ҳарбий хизматда, Сурхондарёда таниш-билиш, муҳим ишга жойи йўқ. Унга бу масалаларда қандай ёрдам берилади?

Жасур Бобоқулов, Тошкент шаҳри

Президентимизнинг 2005 йил 30 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди қайд этилишича, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Республика Қуроли Кўчларининг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) доирасида турар жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицер таркиблари ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:


иш ҳақининг тўрт қаррасигача миқдориди; Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — энг оз иш ҳақининг уч қаррасигача миқдориди; Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари аҳоли пунктларида — энг оз иш ҳақининг икки қаррасигача миқдориди ойлик пул компенсацияси тўловлари белгиланган.

Ойла аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

Савдоларингизга Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Алшпер МАМАТҚУЛОВ жавоб бери

Орамиздаги одамлар

Ҳурмат ва эъзозда



Халқимиз ўз сўзига эга чиқадиган жўмард, олижаноб кишиларни доимо эъзозлаб келган. Зеро, эл-юрт манфаати йўлида кучи ва билимини аямайдиган инсонлар ҳар қанча иззат-ҳурматга лойиқ. Ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган замондошларимиз қаторида жонкуяр ва тиниб-тиничмас инсон Муртазо Султонов ҳам бор.

Йилда Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институтига кириб, мазкур ўқув даргоҳини 1961 йил битирди ва бинкор-инженер мутахассислигини эгаллади. У ўз меҳнат фаолиятини Урганчдаги 167-трестда бошлади. Тиришқоқлиги тўғрисида тез орада йирик қурилиш объектларининг раҳбари даражасигача кўтарилди.


Халқимизда: "Гап келганда отангни ҳам аяма", деган нақл бор. Бу нақлга амал қилиш кишидан жўмардликни талаб этади. М.Султонов айрим раҳбар ходимларнинг кирдикорларини фош этишдан ҳайқилмади, чунки халқ манфаатидан кўра ўз манфаатини устун қўювчи кимсалар унга ёқмасди. Шу каби сабаблар боис, Муртазо Султонов тўхмату уйдирмаларни ҳам бошдан кечирди. Адолат бўқилади, эгилди, аммо синмайди, деган

ларидек, унга қўйилган айбонлар қуруқ сўфсатадан бошқа нарса эмаслиги аён бўлди. Шукрки, ўша қўйинчиликлар энди ортда қолди.

1990 йилдан 1998 йилгача халқ таълим вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаганида қандайдан-қанча ўқув муассасалари қурилишларида бош-қош бўлди. Фидойилиги, жонкуярлиги боис қўлчиликнинг ҳурматида, эътиборига сазовор бўлди.

Дўст ва ҳамкасблари орасида бирдек эъзоз ва эътиборга сазовор бўлган Муртазо ака бугун ҳам қизгин меҳнат билан банд. Ўзи фаолият кўрсатган ёки соҳадош ташкилотларда ўнинг шоғирдлари бисёр. Улар ҳозир ҳам Муртазо Султоновнинг ҳаёт ва меҳнат тажрибасини ўрганишга, фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Саодат ЖАББОРОВА



Гулларнинг бўйига чулганмиш олам, Борликда уйғониш чиройи бекам. Жаннатий туйғулар авжи ҳам шунда, Баҳорда нафосат иштиёқи жам.

Султаймон Ҳайдар КАСБИЙ

Нашр

Тақдирлар талқини

Инсон умри турфа воқеа-ҳодисаларга ичида кечади. Унинг турмушида ўз ўрнига эга бўлиши, оилада, жамиятда масъулиятни ҳис этиши умрининг мазмунини белгилайди. Асрий қадриятларга бепасандлик, ота-она олдидаги бурчга лоқайд қараиш эса, охири-оқибат кечирилмас хатоликларга дучор этиши шубҳасиз.

Ёзувчи Асқар Жалиловнинг «Кечирилмас гуноҳ» номли қисса ва ҳикоялар китобига кирган асарларда инсон маънавияти билан боғлиқ ахлоқий муаммолар қаламга олинган. Хусусан, «Кечирилмас гуноҳ» номли қисса қаҳрамони Нозим ўзи гоҳи билиб, гоҳи билмай йўл қўйган хатоликлар оқибатида кечирилмас гуноҳга қўл уради. Содда, самимий тасвирларда бу хатоликларнинг тафсилотлари оидинлашади. Муҳими, асар қаҳрамони ўз қилмишларига юракдан иқдор бўлади, қалб кўзи очилади: «Онанинг дийдорига тўймаганидан, онасига сув томизишга ҳам ярамаганидан ўз-ўзиндан нафратланади». Сунгги пайшаймондан наф йўқлигини англаб етган Нозимнинг «Бу ёруғ оламда яшашдан маъно йўқ»лигини ҳис этгани китобхонни теварак-атрофга тийрак боқшига, оила, жамият олдидаги бурчини унутиб қўймас-



ликка даъват этади. Китобдаги «Қисмат», «Амалпараст» сингари ҳикояларда ҳам инсон маънавияти унинг тақдирини белгилувчи мезон экани тасвирчан воқеалар тасвири орқали кўрсатиб берилган. Қисса ва ҳикоялардаги мазмун тарбиявий аҳамияти билан ўқувчиларга манзур бўлади, албатта.

Нодира МИРСАДУЛЛАЕВА

Иллат

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Гиёҳвандлик ҳудуд, миллат, дин, тоифа, жинс ва бошқа ҳегараларни билмайди. Унинг алоҳида ижтимоий йўналишларга эга эканлиги, яъни ёшлар, вояга етмаганлар, шунингдек, аёллар орасида кенг тарқалиб бораётгани аср вабосининг нақадар хавфли эканлигини далолат. Энг ачинарлиси, суррунали гиёҳвандликка мубтало бўлганлар сонин кескин ортиб бораётган.

Бу, ўз навбатида, турли ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда жаҳон миқёсида 200 миллиондан ортиқ киши турли хил гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилади. Шундан тахминан 140 миллион киши кокаин, 8 миллион киши героин, 30 миллион киши эса амфетамин туркумига кирувчи стимуляторларни истеъмол қилади. Гиёҳванд моддаларни сотиш орқали даромад олишни, инсоний қулфати орқасида бойлик орттиришни мақсад қилиб олган жинсий гуруҳлар эса бу балога янада кўпроқ кишиларни дучор этишга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи умумжаҳон савдосининг тахминан 8 фоизини ташкил қилади. Кейинги йилларда гиёҳвандлик савдоси билан шугулланадиган жинсий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб, трансмилий наркосиндикатлар юзасига келди. Ўз манфаати йўлида илмий техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиши уларнинг техник-молиявий имкониятларини оширмоқда. Бошқача қилиб айтганда, трансмилий синдикатларнинг энг замонавий қуроллардан, электрон таъминот тизими, жумладан глобал ахборот тармоғи — интернетдан фойдаланишлари муаммо кўламини орттиришга сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, ҳар йили гиёҳванд жиноятчилардан жаҳон миқёсида 100 мингга яқин ўқотар қуроллар олиб қўйилади. Юзлаб ўқини ва қўнишга мўлжалланган майдонлар аниқланади, ўқотар парвоз пайтида уриб туширилади ёки мусодара қилинади. Шунга қарамай ҳар қуни гаирқонуний юк ортти-

ган 300 га яқин парвозлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилайтган бўлса-да, инсоният XXI асрга умумжаҳон миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири — гиёҳвандликка ечим излаш орқали қадам қўйди. Ҳозирги вақтда гиёҳвандлик ўта мураккаб ва ижтимоий хавфли ҳодиса тусини олган бўлиб, у томонидан етказилаётган зарарни амалда ҳисобга олишнинг имконияти йўқ. Бу эса, турли хил жиноятларнинг содир этилишига туртки бўлиб, жамиятининг моддий техник, интеллектуал салоҳиятини пасайтиради, генфондини бузди. Афсуски, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний кириб келиши, ишлаб чиқарилиши, тарқалиши ва уни истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳозирги глобаллашув пайтида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис ҳам аср вабосига қарши курашиш, унинг илдизига болта уриш нафақат муайян соҳа ходимларининг, балки барчанин бургича айлиниши лозим.

Дилшод ХУҲАҲОВ, ТДЮН талабаси

Билимдонлар беллашувларида

Китоблик ўқувчилар пешқадам

Мактаб, ўқитувчи ва ўқувчи. Уларнинг қай бири қайси бирига обрў-эътибор, шўҳрат олиб келади? Ўқитувчи айтади — ўқувчи алоҳи, одоли бўлса ҳам ўқитувчининг, ҳам мактабнинг фахридир. Ўқувчи фикри эса аксинча — ўқитувчи билимдон, жонкуяр ва фидойи бўлса, ўқувчи ва мактабнинг бахти, омади. Бир-бирига чамбар-час, бироз жумбоқли масала. Икки томон ҳам ўзича ҳақ. Аслида-чи?

Аслида фан олимпиадалари ўқувчи билиминини ўқитувчи маҳоратини аниқлаб, баҳолаб беради. Ўқувчиларнинг билиминини чигирдан ўтказадиган, яхши натижага эришса рағбатлантирадиган, битирувчи синф ўқувчиларига эса тест синовларисиз олий ўқув юртиларига кириш имтиёзини берадиган ягона танлов ҳам шу. Минг-минглаб ўқувчилар орасидан энг иқтидорли, қобилиятли, билимдонларига бу беллашувларда голиб бўлади. Ҳар йили мунтазам ўтказилаётган бу тадбир ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқлиқларини ошириш билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини ҳам муносиб баҳолайди.

Ҳозир йилда Қашқадарё вилояти ўрта умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган фан олимпиадаларида Китоб тумани ёшлари ҳар йилгига нисбатан анча фаол катнашдилар. Туман босқичида ўн саккиз фан бўйича биринчилигини эгаллаган 92 нафар 9- ва 11-синф ўқувчилари асосан юқори ўринларни банд этишди. 1-Ихтисослаштирилган мактаб интернати ўқувчилари Баҳриддин Абдиев математика, Маъмур Ражабов физика, Обид Жалолов кимё, 2-Ихтисослаштирилган мактаб

Таълим

интернатидан Зикрилло Ғозиев тарих, 2-мактабдан Марина Ахмадиева рус тили, 70-мактабдан Соҳиб Ҳақимов кимё фанлари бўйича нафақат шох-супанин энг юқори палласини забт этилар, балки республика ва халқаро олимпиадаларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. 9- ва 10-синф ўқувчилари ўртасида ҳам 12 та фахрли ўрин китобликларга nasib этди.

Фан олимпиадаларида бундай ижобий натижаларга эришган Китоб тумани маорифчилари шайнага илиқ фикрлар айтиш мумкин. Билнобарин, ўқувчининг дунёқарашини кенгайтириш, ундаги қобилиятни вақтида сеза билиш ва шакллантириш ўқитувчидан зўр педагогик маҳорат билим ва малака талаб этади.

Утган ўқув йилида ҳам кўрсаткичларимиз яхши бўлган эди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдуғани Ашуров. — Масалан, 1-ИМИ ўқувчиси Жамол Узоқов кимё фани бўйича республика олимпиадаси голиби бўлиб, Ереван шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро олимпиадада бронза медалини қўлга киритди ҳамда Ломоносов номидаги Москва Давлат университетига имтиёзли қабул қилинди.

30-мактаб ўқувчиси Шохсанам Мухаммадиева эса тўжиқ тилидан республика олимпиадасида учинчи ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлди. Ўз навбатида, ушбу ютуқларга эришишимизда фидойи ўқитувчилардан Бахтиёр Абдиев, Хурсандой Ганиева, Мамашариф Мирзаев, Салоҳиддин Қулдошев, Гулсара Холиёрова, Ашраф Одинаев ва Феруза Шароповаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

— Туманимиз мактаблари 4-5 йиллардан буюн фан олимпиадалари бўйича вилоят рейтингларида пешқадамликни кўлдан бермай келаяпти, — сўхбатда қўшилади халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Анваржон Умаров. — Муваффақиятларимизда мактаблар билан ишлаш, ўқитувчиларга яқиндан қўмақ бераётган Ш.Иноятов, З.Норқобилов, И.Қодиров ва Б.Жалилов сингари услубчиларимиз ҳиссаси катта бўлаётди.

Китоб тумани маорифчиларининг утуқлари сирини нимада? Аввало, туман халқ таълими бўлими томонидан мунтазам фан олимпиадаларига бағишланган йиғинлар, муҳокама қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида дўстона муносабат, узаро ҳамкорлик, ўқув жароғини яқиндан ёндашув ҳам ўз сўзини айтмоқчи.

Мақсуд АКРАМОВ, "Адолат" мухбири

ADOLAT
ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89
Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Шермат ШАМСИЕВ, Иқбол МИРЗО, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Камол АЛЛАЁРОВ, Мамозон ХУҲАМБЕРДИЕВ, (Бош муҳаррир ўринбосари), Исмоил САИФНАЗАРОВ, Талъат МУРАТОВ, Собир ТУРСУНОВ,

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланиши
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи — Н.ҲАЙДАРОВ
Саҳифаловчи — Л. ТУРСУНОВ